



# O'ZBEKISTON OVOZI

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

### МАЛАКАЛИ ПЕДАГОГ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ҲАМДА ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ МУАССАСАЛАРИНИ ШУНДАЙ КАДРЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ОИД ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Қайд этиб ўтилсинки, республикада Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар учун олий маълумотли ўқитувчи кадрлар тайёрлашнинг яхши тизими вузга келтирилган.

Бунинг натижасида ҳозирги вақтда мамлакатимиздаги 1537 та ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида 214 та талаб этилаётган йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича 115,8 минг нафар педагог ходимлар кадрлар тайёрлашни амалга оширишда, уларнинг 90,6 фоизи олий маълумотга эга, ўқитувчи кадрларнинг 70 фоиздан кўпроги 40 ёшга бўлган юқори малакали мутахассислардир.

Шу билан бирга, махсус комиссиялар томонидан ўтказилган текширишлар натижасида аниқлинишича, касб-хунар коллежлари ҳамда академик лицейларнинг раҳбар ва педагог кадрларини танлаш тизимида, авваломбор, уларнинг малакаси етарли эмаслиги ҳамда қўйилаётган талабларга мувофиқ эмаслиги билан боғлиқ жиддий камчилик ва нуқсонлар мавжуд.

Касб-хунар коллежларини ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталари билан таъминлаш кўп жиҳатдан уларнинг тегишли базавий тайёрлигини, педагогик ва амалий иш тажрибаси мавжудлигини ҳисобга олмасдан расмий равишда амалга оширилмоқда.

Натижада ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида ўқув жараёни тегишли даражада ташкил қилинмаган, машғулотлар асосан анъанавий мактаб таълими услублари таянган ҳолда ўтказилмоқда. Замоनावий илгор педагогик ва янги компьютер, ахборот-коммуникация технологиялари, шу жумладан, Интернет таълим жараёнига суи жорий этилмоқда. Касб-хунар коллежларини хорижий тиллардан дарс берувчи малакали мутахассислар билан таъминлашга етарлича эътибор берилмаётти.

Касб-хунар коллежлари ва академик лицейларнинг раҳбарлар таркибини педагогик иш соҳасида етарлича тажрибага эга бўлган касб маҳорати юқори мутахассислар билан янада мустаҳкамлаш талаб этилади.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимининг раҳбар ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш борасида таркиб топган тизим замон талабларига жавоб бермаётти.

Касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар учун илгор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини эгаллаган, касбий тайёрликка эга, замонавий фикрловчи кадрларни танлаш ва улар билан таъминлаш тизимини тубдан яхшилаш, ўсиб бораётган замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда, уларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда махсус комиссиялар томонидан ўтказилган текширишлар довомида касб-хунар коллежлари ва академик лицейларнинг фаолиятида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга оширсин, уларни касбий тайёрликка эга, замонавий фикрловчи кадрлар билан таъминлашга, илгор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини таълим жараёнига кенг татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилсин.

Қўрилган чора-тадбирларнинг натижалари тўғрисида 1 сентябрга қадар ва 2012 йил якунлари бўйича Вазирлар Маҳкамасига маълумот берилсин.

2. Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими бошқарув органларининг раҳбар кадрларини танлаш, тайинлаш ва аттестациядан ўтказиш бўйича Республика комиссиясининг янгиланган таркиби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими бошқарув органларининг раҳбар кадрларини танлаш, тайинлаш ва аттестациядан ўтказиш бўйича Республика комиссияси (Ш.М.Мирзиёев) Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда икки ой муддатда касб-хунар коллежларининг раҳбар кадрлар билан таъминланганлигини танқидий қўриб чиқсин, ушбу масалада ишларни тегишли даражада ташкил этилишини таъминламаган шахс-

ларни жавобгарликка тортсин ҳамда коллежларнинг раҳбарлар таркибини етарлича педагогик иш тажрибасига эга бўлган касб жиҳатдан тайёрланган мутахассислар билан мустаҳкамлаш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга оширсин.

Амалга оширилган чора-тадбирларнинг натижалари тўғрисида 1 августга қадар ва 2012 йил якунлари бўйича Вазирлар Маҳкамасига ахборот берилсин.

4. Амалдаги қонун ҳужжатлари бўйича ўрнатилган тартибга қўра, касб-хунар коллежлари ва академик лицейларнинг директорлари икки йилда бир марта, ўқитувчи кадрлар эса ҳар уч йилда камида бир марта аттестациядан ўтказилишлари кераклиги маълумот учун қабул қилинсин.

Вазирлар Маҳкамаси манфаатдор вазирликлар ва идораларни жалб этган ҳолда, икки ой муддатда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг ўқитувчилари ҳамда ишлаб чиқариш таълими усталарини аттестациядан ўтказиш ҳамда малака тоифаларини бериш тартиби тўғрисидаги Низомни танқидий қайта қўриб чиқсин ва ўзгартиришлар киритсин. Бунда ўқитувчилар таркибининг компьютер техникаси ва ахборот-коммуникация технологияларидан, Интернет тармоғидан фойдаланиш бўйича амалий кўникмаларга эга бўлиши мажбурий эканлигига алоҳида эътибор қаратилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази:

таълим жараёнида илгор педагогик услуб ва технологиялари («case study» услуби, лойиҳалар услуби, ҳамкорликда ўқитиш, «амалий ўйин», интерфаол таълим услуби ва бошқалар), ахборот-коммуникация технологиялари, электрон таълим ресурслари ва мультимедиа тақдиротларидан фойдаланиш борасида чет эл тажрибасини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиб чиқсин; чет эл тажрибасини инобатга олган ҳолда, уч ой муддатда касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар учун янги ўқув режалари ва дастурларини қайтадан ишлаб чиқсин ҳамда белгиланган тартибда тасдиқлансин, уларда анъанавий мактаб таълими услубларидан воз кечиб, амалий машғулотлар ва ишлаб чиқариш амалиёти бўйича соатлар кўпайтирилишини назарда тутсин; икки ой муддатда касб-хунар коллежлари ва академик лицейларнинг таълим жараёнига илгор педагогик ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўламда жорий этиш бўйича чора-тадбирлар дастурини тасдиқласин.

Вазирлик, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ва унинг ҳудудий тузилмаларининг раҳбарлари мазкур чора-тадбирлар амалга оширилиши учун шахсан жавобгар бўлишлари тўғрисида қаттиқ оғоҳлантирилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази тармок (базавий) касб-хунар коллежлари ҳузурида ўқитувчи кадрларнинг замонавий ахборот-коммуникация воситаларини қўллаш асосида илгор педагогик технологияларни эгаллашлари бўйича доимий фаолият юри-тадиган семинарларни ташкил қилсин.

Ушбу семинарларни ўтказиш учун мазкур технологияларни эгаллаган мутахассисларни штат асосида тақлиф қилишга руҳсат берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази вазирлик ва марказнинг мансабдор шахслари, олий ўқув юр-турларининг етакчи ўқитувчилари ичидан ушбу семинарларни ўтказиш учун масъул шахсларни бириктириб қўйсин, семинар ишини мунтазам назорат қилиб борсин, зарур ўқув-услубий ёрдам кўрсатсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий таълим муассасалари томонидан касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар учун ўқитувчи кадрлар тайёрлаш савияси ва сифати устидан қаттиқ тизимли назорат ўрнатсин, битирувчиларнинг касбий тайёрлиги билан бир қаторда, уларнинг замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини, хорижий тилларни эгаллашларига, педагогик амалиётни коллежлар ва

лицейларда мажбурий равишда ўтишларига алоҳида эътибор қаратсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг 2012 йил 1 сентябрдан бошлаб касб-хунар коллежлари ишлаб чиқариш таълими усталарининг меҳнат ҳақи бўйича базавий тариф ставкаларини, малака тоифаларига қараб, касб-хунар коллежлари тегишли малака тоифаларидаги ўқитувчиларнинг меҳнат ҳақи бўйича базавий тариф ставкаларига тенглаштириш тўғрисидаги тақлифи қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан биргаликда, бир ой муддатда, ўрта махсус, касб-хунар таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисидаги мавжуд Низомга ҳамда касб-хунар коллежи, ишлаб чиқариш таълими усталарининг меҳнат ҳақи бўйича базавий тариф ставкалари микдорларига тегишли ўзгаришлар киритсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази манфаатдор идоралар ва ҳўжалик бирлашмалари билан биргаликда, икки ой муддатда, касб-хунар коллежларини ўқув-амалий машғулотлари ўтказиш учун сарфланадиган материаллар ҳамда зарур хомашё билан таъминлаш меъёрлари ва механизминини ишлаб чиқиб, белгиланган тартибда тасдиқласин.

10. Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ҳамда малакасини оширишга ихтисослашган олий таълим муассасалари рўйхати 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

11. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ҳузуридаги Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими кадрларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти зиммасига касб-хунар коллежлари ҳамда академик лицейларнинг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича ягона меъёрий-услубий базани ишлаб чиқиш ҳамда ўқув жараёнини ташкил қилиш юзасидан бош муассаса вазифаси юклансин.

Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда: Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимининг раҳбар ва педагог кадрлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тўғрисидаги Низомни;

ҳозирги замон талабларини ҳисобга олган ҳолда Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимининг раҳбар ва педагог кадрлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институтининг янгиланган тузилмасини тасдиқласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2012 йилги Давлат бюджетига назарда тутилган маблағлар доирасида, Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимининг раҳбар ва педагог кадрлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институтига керакли мебель, замонавий ўқув ускуналари ва компьютер техникаси билан жиҳозлаган ҳолда унинг 450 ўринли ўқув биносини ва 150 ўринли ётоқхонасини мукамил таъмирлаш учун бюджетдан етарли маблағлар ажратсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари директорларини аттестациядан ўтказиш тўғрисида» 2005 йил 28 февралдаги Ф-2146-сон фармойиши 2-бандининг иккинчи хатбоши ва унинг 1-илоvasи ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

## ЎзХДП: ҳамкорликдаги лойиҳа



## ЁШ ОИЛАЛАР ВА КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ БИТИРУВЧИЛАРИ

### қўллаб-қувватланмоқда

Энди катта ҳаётга кириб келаётган ёшларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш уларнинг порлоқ келажагини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли Ўзбекистон ХДП бу масалага алоҳида эътибор қаратмоқда. Қўқон шаҳрида бўлиб ўтган навбатдаги иқтисодий форум «Ёш оилалар ва касб-хунар коллежлари битирувчиларини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш имкониятлари» мавзусига бағишланди. Анжуман Марказий Банк, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, «Микро-кредитбанк» очик акциядорлик тижорат банки ва етакчи тижорат банклари билан ҳамкорликда ташкил этилди. Бу гал Давлат солиқ қўмитаси ҳам лойиҳа ҳамкорлари сафидан жой олди.



## ЎзХДП: «Фаол аёллар» қаноти

### ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛЛИГИ

оилага барака олиб келади

2-бет

## Кураш

### ХАЛҚАРО ТУРНИР ЯКУНЛАНДИ



Қарши шаҳридаги «Насаф» стадионида Амир Темур хотирасига бағишланган кураш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун анъанавий VI халқаро турнир бўлиб ўтди.

Миллий спортмизи — курашнинг жаҳон миқёсидаги нуфузи тобора ортиб бормоқда. Ҳозирги кунда Осиё, Европа, Панаме-рика, Африка ва Оксеания кураш конфедерациялари ташкил этилган бўлиб, улар таркибига кирган юздан ортиқ давлатда ўзбек кураши бўйича жаҳон ва қитъа чемпионатлари, халқаро турнирлар ўтказилмоқда, уларда минглаб полвонлар голиблик учун беллашмоқда.



Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,  
2012 йил 28 май

ЎзХДП: ҳамкорликдаги лойиҳа

# ЁШ ОИЛАЛАР ВА КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ БИТИРУВЧИЛАРИ

## қўллаб-қувватланмоқда

**Партия Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Шарбат Абдуллаева** мазкур лойиҳа **Мустаҳкам оила йилида** айнан оилалар, айниқса, ёш оилалар, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, иш билан таъминлаш орқали уларнинг фаровонлигини янада яхшилашда муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси Жўрақўзи Қўлашов** партия-миз ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларнинг манзилли ижтимоий муҳофазасини давлат бюджетидан ҳарajatни кўпайтириш ҳисобидан эмас, аввало уларни доимий иш ва барқарор даромад манбаи билан таъминлаш орқали қўлайириш тарафдор эканини таъкидлади. Мазкур форум шу мақсадда хизмат қилиши билан муҳимлигига уруғ берди.

Форум кун тартибидан ўрин олган иқтисодий ўқувда **Марказий банкнинг Фарғона вилоят бош бошқармаси бўлими бошлиғи Тохиржон Султонов** тижорат банкилари томонидан микроолиявий хизматлар

кўрсатишининг ҳуқуқий асослари ҳақида батафсил тўхтади. Ёш оила ва касб-ҳунар коллежи битирувчилари ўз бизнесини ташкил этишида уларнинг иқтисодий билими муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаб, ёшлар қонун ва қонунности ҳужжатларини пухта билиши лозимлиги ҳақида сўз юритди.

Шунингдек, иқтисодий ўқувда оилавий тадбиркорлик ва бошланғич сармоияни шакллантиришда микроолиявий хизмат кўрсатишининг ўрни ва аҳамияти ҳақида батафсил тўхталиб ўтилди. Янгидан иш бошлаш, бошланғич сармоияни шакллантириш, айланма маблағни тўлдирish учун ажратилаётган имтиёзли микрокредитлар ва уларнинг шартлари ҳақида тушунча берилди.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, 2011 йилнинг декабрь ойида Фарғона вилоятида иқтисодий форум ўтказилган эди. Унда 400 дан ортиқ иштирокчи қатнашган бўлиб, уларнинг 65 нафарига тижорат банкилари томонидан имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилган. Мазкур сертификатлар асосида ажратилган кредитлар эъзига вилоятда 218 та янги иш ўрни ташкил этилди.

Бу гагги форумда ҳам 60 нафарга яқин электротар вакиллари тижорат банкларининг имти-

ёзли микрокредитларидан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи сертификатларга эга бўлди.

— Мен тенгдошларимнинг компютер саводхонлигини ошириш мақсадида ўқув маркази очдим, — дейди «Интеллект магистр» МЧЖ раҳбари И.Бахриддинова. — Аммо ишни ташкил этиш, тегишли жиҳозларни сотиб олиш учун маблағ етишмади. ЎзХДП фаолларининг кўмаги билан ҳужжат тайёрлаб, банкка топширилган эдим. Мана, 5 миллион сўм имтиёзли микрокредит ажратилган бўлди.

— Трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга қаратилган лойиҳам бор эди, — дейди «Бенгал текс» хусусий корхонасини ташкил этган Х.Сайдуллоев. — Бундан бу соҳанинг бозори қаҳқон. Лекин ишни ташкил этиш ва юритиш, хомашё ва ускуна сотиб олиш учун сармоия керак эди. Мана, иқтисодий форумда бу лойиҳа учун 10 миллион сўм кредит олиш бўйича сертификатни қўлга киритдим. Энди менинг ҳам ўз мустақил ишим, бизнесим бўлди.

— Оилавий тадбиркорлик учун кенг шароит яратилганидан беҳад хурсандман, — дейди Мухаммадали Абдурахмонов. — Ёгондан эшик-ром ясаб, янги ўй қўраётган ҳамқишлоқларимга ёрдамим тегсин, дегандим. ЎзХДП

вилоят кенгаши фаоллари билан маслаҳатлашиб, яқка тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтдим. Ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича бизнес-режа тайёрлашда улар ёрдам берди. Менга банк 15 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредит ажратадиган бўлди. Энди ёнимга яна икки нафар шоғирд олиб иш бошлайман.

Тўғри, кредит маблағларини банклар ажратади. Аммо мустақил иш бошламоқчи бўлган электротар вакиллари аниқлаш, уларга оилавий тадбиркорлик, кичик бизнеснинг қонуний асослари, имтиёзларини тушуниришда партия фаоллари сиздиқидилдан излангани ўз натижасини кўрсатди. Имтиёзли кредит олиш учун берилган 60 та сертификат ортидан шунча оила, унинг аъзолари ҳаёт тарзига ижобий ўзгаришлар кириб келади. Улар мустақил, фаровон турмушни ўз қўллари билан қуриш учун ҳаракат қилади. Ўтган йилги иқтисодий форум натижалари шунга кўрсатдики, аксарият ҳолда микрокредит олган кам таъминланган оилалар ва ёшлар бугун ишлаб чиқарувчи, хизмат кўрсатиш соҳаси вакили айланади. Энди улар катта кредит олиб, янада узокни кўзламоқда.

Иқтисодий форум доирасида Мехнат ва аҳолини ижтимоий



муҳофаза қилиш вазирлиги билан ҳамкорликда **бўш иш ўринлари ярмаркаси** ташкил этилди. Бу электротар вакиллари, хусусан, меҳнатга лаёқатли, аммо доимий иш ўрнига эга бўлмаган фуқаролар, хотин-қизлар ва ёшларга ўз мутахассислиги, қизиқишларига монанд иш топиш имконини яратди.

— Мазкур тадбир, айниқса, 2011-2012 ўқув йилида касб-ҳунар коллежларини битираётган йилги-қизлар учун аниқ муд-тижасини кўрсатди. Имтиёзли кредит олиш учун берилган 60 та сертификат ортидан шунча оила, унинг аъзолари ҳаёт тарзига ижобий ўзгаришлар кириб келади. Улар мустақил, фаровон турмушни ўз қўллари билан қуриш учун ҳаракат қилади. Ўтган йилги иқтисодий форум натижалари шунга кўрсатдики, аксарият ҳолда микрокредит олган кам таъминланган оилалар ва ёшлар бугун ишлаб чиқарувчи, хизмат кўрсатиш соҳаси вакили айланади. Энди улар катта кредит олиб, янада узокни кўзламоқда.

ўз ишмини ташкил этиш юзасидан батафсил маълумот олдим. Келгусида ҳам шу лойиҳада иштирок этаман.

**Тадбир доирасида шу вақтга қадар ўз ишмини бошлаган оилавий бизнес субъектлари, хунармандлар, касаначилар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар кўргазмаси ташкил этилди. Бу, айниқса, ўзаро тажриба алмашиш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини шу фаолиятга кенг жалб этиш, устоз-шоғирд аъёнасини ривожлантириш, ёшларга ибрат намуналарини кўрсатишда муҳим аҳамиятга эга бўлди.**

Киркдан зиёд оилавий тадбиркорлик, хунарманд ва касаначилар ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва кўрсатаётган хизматлар форум иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди. — Мен ишлаб чиқарувчилар

билан суҳбатлашиб билдимки, уларнинг кўпчилиги мамлакатимизда яратилган шароитлардан фойдаланиб, яқинда мустақил бизнесини очган экан, — дейди суҳбатдошимиз Лазиз Жалилов. — Демак, мен ҳам ҳаракат қилсам, интилсам, улар қаторидан жой олишим мумкин.

— Бу йилги ишмизга астойдил қизиқиб қолди, — дейди «Мухаммадий рангли бўёк» хусусий корхонаси раҳбари Омонжон Эргашев. — Унга маслаҳат бердик. Эртага корхонамизга келиб, иш ўрганим. Марҳамат, бажонидил ўргатишга тайёримиз.

Лойиҳа доирасида тижорат банкларининг имтиёзли микрокредитлари бўйича услубий ва методик материаллари кўргазмаси ҳам ташкил этилди. Банкларнинг малакали мутахассислари қизиқтирилган батафсил маълумот берди.

Шунингдек, анжуман доирасида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига ЎзХДПдан сайланган депутатлар иштирокчида **Кўча Жамоатчилик қабулхонаси** ташкил этилди. Кам таъминланган оилалар вакиллари, хотин-қизлар ва ёшлар ҳамда партия электротарининг бошқа вакиллари соғлиқни сақлаш, ишга жойлаштириш, таъмин, истеъмолчи ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ўй-жой-коммунал хизматлари ва бошқа соҳаларга оид масалалар билан мурожаат этишди. Депутатлар уларни хал қилиш бўйича чоралар белгилади.

Ёш оилалар ва касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжини ўрганиш ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш долзарб масалалардан биридир. Форум ана шу эзгу мақсадга хизмат қилаётгани иштирокчилар томонидан эътироф этилди.

**Мухаммадjon ОБИДОВ, Бехзод ШУКУРОВ.**

ЎзХДП: «Фаол аёллар» қаноти

ЎзХДП Марказий Кенгаши «Фаол аёллар» қаноти ташаббуси билан Хўжаобод туманида «Хотин-қизларни касаначилик фаолиятига жалб этишда ижтимоий шерикчиликнинг афзалликлари» мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Унда ЎзХДПнинг 2011-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастури ижросини таъминлаш, хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда уларни оилавий тадбиркорлик ва касаначиликка жалб этиш, бу жараёнда ижтимоий ҳамкорликни қучайтириш масаласи муҳокама этилди.

Семинарда ЎзХДП Марказий Кенгаши масъул ходимлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзолари, вилоят ва туман Кенгаши депутатлари, «Фаол аёллар» ва «Истиқбол» ёшлар қаноти аъзолари, хотин-қизлар ва партия фаоллари иштирок этди.

# ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛЛИГИ

## оилага барака олиб келади

Алишер ТИЛЛАБОВЕВ,

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Ишлаб чиқариш ҳажми, тури ва сифатини ошириш, иш ўринлари очилиш, турмуш даражасини яхшилашда оилавий тадбиркорлик ва касаначилик ривожини муҳим ўрин тутди. Шу боис пар-

тиямиз жойларда касаначиликни янада кенгайтириш тарафдор эди, касаначилар меҳнатининг қонуний ҳимоясини таъминлаш борасида маҳаллий

Кенгаш депутатлари билан ҳамкорликда изчил мониторинг олиб борилаёпти.

Касаначи бўлиб ишлаётган шахсга меҳнат дафтарчаси очилиши лозим. Аммо айрим жойларда касаначини қонуний ҳимоялаш, меҳнатига яраша ҳақ тўлаш ва ҳужжатларни расмийлаштиришда камчиликлар оз эмас. Ҳатто бир неча йилдан буён касаначи бўлиб ишлаб келаётган айрим хотин-қизларга ҳамон меҳнат дафтарчаси очилмаган. Яқинда «Фаол аёллар» қаноти етакчилари билан жойларда касаначиликни ривожлантириш ҳисобига хотин-қизлар бандлигини таъминлаш масаласини ўрганишимизда, бу каби камчиликлар маълум бўлди. Жумладан, «Хўжаобод-Фазо» ва «Барчичой» хусусий корхоналари, бир неча яқка тартибдаги тадбиркор ходимларга меҳнат дафтарчаси юритмаёпти. Бу — қонунга зид, албатта. Шу боис бу каби ҳолатларни бартафоз этиш борасидаги ишларимизни жадаллаштиришимиз лозим.



Турғуной ТОЖИБОЕВА,

ЎзХДП Андихон вилоят кенгаши «Фаол аёллар» қаноти етакчиси:

— Касаначилик асосидаги меҳнат миллий турмуш тарзимиизга уйғун ва жуда мос. Касаначи рўзгордан узилмаган ҳолда жамият тараққиётига улуш қўшади. Бунда йирик сановат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосида ишлаб чиқариш ва хизматлар ўрсатишда кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Фармон ижросини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Касаначилар учун қўлай шарт-шароит яратиш борасида Хўжа-

обод туманида хайрли ишлар қилинмоқда. Жумладан, 2011 йил уй меҳнатининг барча шакллари ривожлантириш бўйича 742 та иш ўрни очилди. Бу йил касаначиликни ривожлантириш имкониятидан тўлиқ фойдаланишга ҳаракат қилаёмиз. Бугунги тадбир бу борадаги ишларимизни қучайтиришда яқини самара беради.

Семинарда ЎзХДП Марказий Кенгаши «Фаол аёллар» қаноти раҳбари Мухтасар Абдурахмонов ва партиянинг Ҳаракат дастури

ижросини таъминлашда қанот фаоллари олдига турган асосий вазифалар хусусида тўхтади. Дастурга асосан туманда касаначилик ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш орқали янги иш ўринлари яратишга кўмаклашиш, бу борада қанотнинг амалий иштирокини таъминлаш, ижтимоий ҳамкор ташкилотлар билан мустаҳкам алоқа ўрнатиш лозимлиги таъкидланди. Шу асосда тақлиф ва тавсиялар тайёрлаб, кейинги режалар белгилаб олинди.

**Гулшан АСАТОВА, ЎзХДП Марказий Кенгаши «Фаол аёллар» қаноти масъул ходими.**

Партиялараро баҳс

# ИНСОН МАНФААТИ ВА УНИНГ МУҲОФАЗАСИ

## қучли ижтимоий ҳимоя тамойилининг асосидир. Либерал демократларнинг буни англаб олиши нега қийин кечмоқда?

Мамлакатимизда давлат бошқарувини демократлаштириш, қучли фуқаролик жамиятини барпо этишдан кўзланган мақсад, аввало, халқимизга муносиб турмуш шароити яратиш, жамият равнақи йўлида кишилар ўз қучи ва салоҳиятини сафарбар қилиши, шу орқали орзу-ниятига етишининг кафолатини таъминлашдан иборат.

**Бугун ҳаёт синовларидан ўтган, дунёда эътироф этилаётган бозор иқтисодий тизимига босқичма-босқич ўтиш жараёнида қучли ижтимоий сиёсат юритилиши, давлат бош ислототчи бўлиши каби тамойилларнинг устуворлиги, яъни, тараққиётнинг ўзбек модели айнан ана шу эзгу мақсадга хизмат қилмоқда.**

Демократияни қарор топтириш, ҳаёт сифатини ошириш, халқимизнинг узоқ истиқболли ва фаровонлигини кафолатлашда бу муҳим аҳамият касб этди. Мамлакатимизда ташкил этилган илк демократик партия — ЎзХДП Дастурида ҳам ана шу инсонпарвар гоя ўз ифодасини топган. ЎзХДП ўз электротари — ижтимоий ёрдамга муҳтож кишиларни қўллаб-қувватлаш, бу борада давлат сиёсати изчил юритилишига эришишни бош вазифаларидан, деб ҳисоблайди.

Маълумки, ҳар бир сиёсий партия мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолатидан келиб чиқиб, электротар манфаати йўлида ўз гояларини амалга оши-

ришга қаратилган тақлифларини илгари суради. Акс ҳолда, унинг гояси ва фаолияти жамиятга фойда келтирмайди. ЎзХДП буни яқини англайди.

ЎзХДПнинг бош мақсадларидан бири **ўз оиласини боқиб қўриқиб олиш ва барқарор даромад манбаига эга бўлмаган, аммо меҳнатга қобилияти кишилар, шу билан бирга, ишга жойлашда қийинчиликка учраётган ёшларни қўллаб-қувватлашдир.**

Лекин негадир ЎзЛиДеП нашрида ЎзХДПга нисбатан муносабат билдирилган экан, кўп ҳолда **пенсияерлар, ноғиронлар, кўмакка муҳтож оилаларга давлат томонидан ижтимоий ёрдам кўрсатилаётганига** ургу берилди. Аслида бу аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг битта йўналиши, холос.

**Ўз оиласини боқиб қўриқиб олиш ва барқарор даромад манбаига эга бўлмаган, аммо меҳнатга қобилияти аҳоли бандлигини таъминлаш** борасида ЎзХДП томонидан жойларда ўтказилаётган иқтисодий анжуманлар ўз самарасини бе-

раётди. Шунингдек, Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида илгари сурилган вазифалардан келиб чиқиб қўрилган партия Ҳаракат дастурида янги иш ўринлари яратиш, касб-ҳунар коллежи битирувчиларининг бандлиги таъминланиши билан боғлиқ чоралар белгилаб олинган. Бу ташаббус ва тадбирлар партия электротари манфаатини самарали ҳимоя қилишга хизмат қилаётди. Бироқ ЎзЛиДеП буни нотўғри талқин қилмоқда ва ЎзХДПни гўё ўз гоясидан чекинаётган қилиб кўрсатишга уринмоқда.

Ваҳоланки, электротар манфаатини ҳимоя қилиш бўйича ЎзХДПнинг гояси аниқ. Ижтимоий ёрдамга муҳтож оилалар, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари, жисмоний имконияти чекланган, лекин меҳнатнинг у ёки бу турига лаёқатли кишиларни қўллаб-қувватлаш, улар бандлигини таъминлашдир. Аинан шунинг учун ЎзХДП янги иш ўринлари яратилишидан манфаатдор ва бу борада турли

ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириш орқали мазкур жараёнда амалий иштирок этишга интиляётди. Шунингдек, ЎзХДП ноғиронлар ва пенсияерларга давлат томонидан ажратилаётган ижтимоий нафақа маблағларининг мақсади сарфланишини депутатлари ваколати доирасида назорат қилишга эътибор бермоқда. Демак, ЎзХДП ўз гоясидан чекинмаёпти, балки уни изчил амалга ошириш учун кучли олиб бораёпти.

Бугунги кунда иш берувчиларнинг ходимлар, умуман, жамият олдидagi масъулиятини ошириш ҳам долзарб масалага айланиб бормоқда. Яқинда Қонунчилик палатаси «Архив иши тўғрисида» Қонун ижроси бўйича ўтказган назорат-таҳлил якунлари буни яна бир бор тасдиқлади. Маълумотга кўра, биргина Бухоро вилоятида хусусий тадбиркорлик субъектларининг қарийб 60 фоизини ҳодимлар манфаатлари ҳимоя қилиниши билан боғлиқ ҳужжатларни архивларга топширмаётди. Бошқа ҳудудларда ҳам бу борада муаммо оз эмас. Бу — вақти келганда фуқароларга пенсия таъинланишида, шунингдек, ижтимоий ҳимоя билан боғлиқ бошқа масалаларда жиддий муаммоларни келтириб чиқаради. Шу боис депутатлар тегишли қонунчиликка бу борада иш берувчи тадбиркорлар, корхона-ташкilotлар раҳбарлари масъулиятини қучайтиришга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш зарурлигини таъкидлашмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланаётган шароитда бу, айниқса, муҳим, албатта.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, сиёсий партиялар илгари сураётган гоялар мамлакат ривожининг ҳозирги ҳолатига мувофиқ тарзда чуқур таҳлил этилмас экан, бу борадаги ҳар қандай баҳс жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига дахлдор масалалар ечимига ижобий таъсир ўтказмайди.

**Тўлқин ТўРАХОНОВ**

**Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида илгари сурилган вазифалардан келиб чиқиб қабул қилинган партия Ҳаракат дастурида янги иш ўринлари яратиш, касб-ҳунар коллежи битирувчиларининг бандлиги таъминланиши билан боғлиқ чоралар белгилаб олинган. Бу ташаббус ва тадбирлар партия электротари манфаатини самарали ҳимоя қилишга хизмат қилаётди. Бироқ ЎзЛиДеП буни нотўғри талқин қилмоқда ва ЎзХДПни гўё ўз гоясидан чекинаётган қилиб кўрсатишга уринмоқда.**

# ИСТЕЪМОЛЧИ БУРЧИ

## фойдаландингизми, ҳақини тўланг...

**Ҳаммамиз истеъмолчимиз. Куннинг исталган вақтида коммунал хизматнинг у ёки бу туридан фойдаланамиз. Айтиш, «зангори олов» бугун ҳақиқий дастёримизга айланган. Унинг кўмагида бир зумда чойимиз қайнайди, таом тайёр бўлади. Афсуски, баъзи истеъмолчилар газдан истаганча фойдаланади-ю лекин ойлаб, ҳатто йиллаб ҳақини тўламайди. Энг қизиқи, газ ҳақини тўлашдан қочадиганлар асосан топарман-тутармон кишилар ҳисобланади.**

Ўрганишлар шуни кўрсатдики, пенсионерлар, ёлғиз яшовчилар ҳамда ўқитувчи ва шифокорлар интизомли тўловчилар экан. Катта ҳовлида яшовчиларнинг кўп қаватли уйда истикомат қилаётганларга нисбатан тўлов маданияти суст бўлади.

Айрим фуқароларимиз газ ҳақини ўз вақтида тўламастлиги, оқибатида катта қарздорлик пайдо бўлмоқда. Бунинг натижасида ундирувчи судга чиқишга мажбур бўлади. Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника ва молиявий таъминлаш департаменти суд ижрочилари қардорлиқини ундириш учун елиб-югуради.

Суд департаменти томонидан суд ҳужжатларини ва бош-

қа идоралар ҳужжатларини ижро этиш бўйича бир қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, қарздор жисмоний шахслардан коммунал қардорлиқини ундириш билан боғлиқ ижро ҳужжатлари ижросини таъминлаш чоралари куриляпти. Мисолларга мурожаат қилайлик.

Фуқаролик ишлари бўйича Когон туманлараро судининг 2011 йил 12 сентябрдаги ундирувчи «Ромитангаз» корхонаси фойдасига қарздор Курбон Давроновдан 1.141.131 сўм, қардор Сами Раҳимовдан 1.241.326 сўм ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжатлари бўйича қардорлик суд ижрочиларининг Когон туман бўлими томонидан 2012 йил 10 март куни тўлиқ ундирилди.

Фуқаролик ишлари бўйича

Мирзо Улугбек туманлараро судининг 2011 йил 30 июндаги қардор Баҳодир Аҳмедовдан ундирувчи «Тошсискикувати» корхонаси фойдасига 1.103.453 сўм ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжати бўйича олиб борилган мажбурий ижро ҳаракатлари мобайнида қардорнинг яшаш манзилига чиқиб, хонадондаги 7 турдаги мол-мулклар хатланган. Натижада қардорлик суд ижрочиларининг Юнусобод туман бўлими томонидан 2012 йил 6 март куни тўлиқ ундирилган.

Юнус Жумаев ҳам газ билан таъминлаш корхонасидан 1.173.957 сўм қарзини тўламай келган. Фуқаролик ишлари бўйича Бухоро шаҳар судининг қарорига асосан ижро ҳаракатлари олиб борилган, қара тўлиқ ундирилди. Фуқаролик ишлари бўйича Когон туманлараро судининг қарорига асосан «Ромитангаз» корхонасига Қаҳрамон Шариповдан 1.046.730 сўм, Азим Темировдан 1.116.129 сўм, Акрон Икромовдан эса 1.095.651 сўм ундирилди.

Хошим Саидов ҳам газдан фойдаланишга фойдаланган-у, пулини тўлашга келганда пайсалга солган. Таъминотнинг кўнуний талаблари истеъмол-

чи томонидан бажарилмагач, иш судга оширилди. Фуқаролик ишлари бўйича Бухоро шаҳар судининг қарорига асосан шаҳар суд ижрочилари томонидан қарздордан «Ромитангаз» фойдасига 1.276.399 сўм ундирилди.

Юсуф Раҳимов ҳам газ ҳақини ҳадеганда тўлайвермади, ахирий судлашишга тўғри келди. Суд қарори чиқиб, ижро ҳаракатлари амалга оширилди. Натижада ундан 1.024.415 сўм ундирилди.

Бугунги кунда ижро варақаларининг асосий қисми коммунал тўловлар бўйича, дейди Суд департаментининг матбуот котиби Дилфуза Олимова. — Тўлов маданиятининг етишмаслиги биринчи навбатда судлашувга, ортиқча оворагарчиликка ва ниҳоят, ижрочининг иш ҳажми кўпайишига сабаб бўлмоқда.

Газ, сув, электр энергияси истеъмолчига етиб келгунча қанча меҳнат, сарф-ҳаражат бўлади. Истеъмолчи сифатида ҳар биригимиз фойдаланилган коммунал тўловларини ўз вақтида тўлаб боришимиз талаб этилади.

**Равшан ШОДИЕВ,**  
**«Ўзбекистон овози»**  
**муҳбири.**

### «Ёзги таътил — 2012»

## БОЛАЛАР ОРОМГОҲЛАРИ МАВСУМГА ТАЙЁР

**Нукус. Қорақалпоғистон Республикаси қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмасида болаларнинг ёзги дам олишини ташкил этиш, бу борада олиб борилган ишлар якунлари ва галдаги муҳим вазифалар хусусида семинар-кенгаш бўлиб ўтди.**

Тадбирда дастлаб, 2011 йилда намунали хизмат кўрсатган «Орол болалари», «Лочин», «Ойдин йўл», «Гулбоғ» каби болалар оромгоҳлари фаолиятига юксак баҳо берилди. — Оромгоҳимизни бу йилги мавсумга тайёрлаш учун катта

ҳажмдаги ишлар бажарилди, — дейди «Лочин» оромгоҳи раҳбари Шокир Каримов. — Болаларни 10 июндан қабул қиларди. Режага кўра, тўрт мавсумда, жами 600 нафар бола ҳордиқ чиқаради. — Республика қасаба уюш-

\* \* \*

**Самарақанд. Вилоятдаги 24 та оромгоҳда 8 минг 300 нафар ўқувчи ҳордиқ чиқаради. Айтиш кунларда мазкур оромгоҳларда мавсумга тайёрлик ишлари ниҳоясига етказилди.**

Жомбой туманидаги болалар оромгоҳи 80 ўринга эга. Бу ерда мавсумга тайёрлик ишлари март ойидан бошланди ва унга ҳомиюрлар ҳам жалб этилди. Спорт майдончаси, кутубхона, тиббиёт хонаси қайта жиҳозланди. Оромгоҳга қарашли 2 гектар ер майдонида эса кишлоқ ҳўжаллиги маҳсулотлари етиштирилмоқда.

Пайариқ туманидаги «Кама-

лак» оромгоҳи эса мавсумга тайёр. Болажонлар учун теннис майдончаси, маданий тадбирлар саҳнаси қурилди. Оромгоҳга қарашли ер майдонида полиз экинлари экилди.

Булуғур туманидаги «Соҳибқор» болалар оромгоҳида ҳам таъмирлаш ишлари олиб борилди.

— Мактаб ўқувчиларининг мароқли ҳордиқ чиқаришлари

малари ташкилотлари бирлашмаси томонидан ишлаб чиқилган махсус дастурга биноан жами 7250 нафар бола, улардан 4200 нафари маҳаллий ҳокимликлар, «Маҳалла» жамғармаси ва ҳомиюрлар ҳисобидан маданий ҳордиқ чиқариб ўз саломатлиқларини мустаҳкамлашади, — дейди бирлашма мудирини Қувватбой Қадиримбетов. — 2500 нафар бола эса Тошкент шаҳри, Тошкент ва Жиззах вилоятларидаги оромгоҳларда дам олишади.

ушун маданий-маърифий ишлар режаси ишлаб чиққанмиз. — дейди ушбу оромгоҳ директори Дилором Маматова. — Унга кўра туманидаги уруш ва меҳнат фахрийлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, маданият ва санъат наомиядалари иштирокида давра суҳбатлари ўтказамиз. Болаларнинг она табиатга бўлган меҳрини ошириш мақсадида «Ёш биологлар» тўғраги ташкил этилди.

**Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,**  
**Абдували ХУДОЕВОВ,**  
**«Ўзбекистон овози»**  
**муҳбирлари.**

### Реклама ва эълонлар

**Барча турдаги қурилиш ташкилотлари раҳбарлари диққатига!**

## Жиззах вилоят ҳокимлиги «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» инжиниринг компанияси

**2012 йил Манзилли дастурга киритилган қўйидаги объектлар бўйича танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади:**

Т.р.	Объект номи ва манзили	Бошланғич қиймати, млн. сўм	
		ҚҚСсиз	ҚҚС билан
<b>ЛОТ № 22:</b>			
Лот 22-1	Жиззах тумани, Нури қўёш кишлоқ аҳоли пунктдаги сув тармоқларини реконструкция қилиш	177,831	213,397
Лот 22-2	Жиззах тумани, «Кангли» ҚФЙ Янгиобод кишлоқ аҳоли пунктини сув билан таъминлаш	138,701	166,441
Лот 22-3	Жиззах тумани, «Гандумтош» ҚФЙ Гандумтош кишлоқ аҳоли пунктини сув билан таъминлаш	165,506	198,607
Лот 22-4	Жиззах тумани, «Хамзаобод» ҚФЙ Олмачи кишлоқдаги сув тармоқларини реконструкция қилиш	152,649	183,179
<b>ЛОТ № 23:</b>			
Лот 23-1	Жиззах вилояти, Пахтакор тумани «Дўстлик» ҚФЙдаги магистрал сув тармоғини реконструкция қилиш	473,958	568,75
Лот 23-2	Жиззах вилояти, Пахтакор тумани «Олтинқўй» ҚФЙдаги магистрал сув тармоғини реконструкция қилиш	132,893	159,471
Лот 23-3	Жиззах вилояти, Мирзачўл туманидаги «Тошкент — Пахтазор» магистрал сув тармоғини реконструкция қилиш	180,304	216,365
Лот 23-4	Жиззах вилояти, Мирзачўл туманидаги «Тошкент — Янги дала» магистрал сув тармоғини реконструкция қилиш	162,31	194,772
Лот 23-5	Жиззах вилояти, Мирзачўл тумани «Тошкент» ҚФЙдаги магистрал сув тармоғи, насос станцияси ва скважинани реконструкция қилиш	104,248	125,098
Ишларни молиялаштириш «Тараққиёт учун озиқ-овқат» дастури доирасидаги грант маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Ишларни тугаллаш муддати — 2012 йил 1 октябрда.			
<b>ЛОТ № 24:</b>			
Лот 24-1	Жиззах вилояти, Зарбдор тумани «Навоий» ҚФЙ Навоий кишлоқ аҳоли пунктини сув билан таъминлаш	145,655	174,786
Лот 24-2	Жиззах вилояти, Зарбдор тумани «Зарбдор» ҚФЙ Зарбдор аҳоли пунктини сув билан таъминлаш	101,293	121,551
Лот 24-3	Жиззах вилояти, Фориш тумани «Ухум» ҚФЙ Сиртикон ва Мулла кишлоқларини сув билан таъминлаш	82,193	98,631
Лот 24-4	Жиззах вилояти, Янгиобод тумани «Ҳўжамушкент» ҚФЙ Баёт кишлоғини сув билан таъминлаш	89,686	107,623
Ишларни молиялаштириш маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Ишларни тугаллаш муддати — 2012 йил 1 декабрда.			

**Буюртмачи манзили:** Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов шоҳ кўчаси, 100-уй. Телефон: (8372) 222-46-40.

Диққат! Бошланғич қиймати 500 млн. сўмгача бўлган объектлар бўйича танлов савдолари фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади. **Танлов савдоларида иштирок этадиган ташкилотлар қўйидаги шартларга жавоб беришлари керак:** танлов савдоси предметининг 20% миқдоридида айланма маблағига ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида маҳаллий ва чет эл қурилиш ташкилотлари иштирок этади, уларнинг танлов тақлифлари баҳоланаётганда маҳаллий пудратчилар учун қўйидаги нарх преференциялари кўзда тутилган: оферентларнинг танлов тақлифларини баҳолаш вақтида конунчиликка мувофиқ қўшимча қиймат солигини тўлашдан озод этилган

импорт ишларни бажарувчи ва хизмат кўрсатувчи чет эл оферентларининг тақлифларига қўшимча қиймат солиғи қўшиб ҳисобланади. Танлов савдоларида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан танлов савдоси ташкилотчиси — **Жиззах вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларнинг шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига** қўйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: **Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 63-уй, 425-хона. Тел/факс: 226-14-66.**

**Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 70 000 сўм.** Тақлифлар (оферталар) танлов савдоси ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади. Тақлифлар (оферталар)ни танлов савдоси ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги муддати — оферталар очилиш кўни ва соатигача. Танлов савдоси эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин қўйидаги манзилда ўтказилади: **Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов шоҳ кўчаси, 100-уй мажлислар зали.**

**Барча турдаги қурилиш ташкилотлари раҳбарлари диққатига!**

## Жиззах вилоят ИИБ қўйидаги объект бўйича танлов савдоси ўтказилишини эълон қилади:

**«Жиззах шаҳридаги вилоят ИИБ жамоат тартибини сақлаш бошқармаси ва пост-патрул хизмати биноси том қисмини капитал таъмирлаш»**

Объектнинг бошланғич қиймати: ҚҚСсиз — 226, 085 млн. сўм, ҚҚС билан — 271, 302 млн. сўм. Ишларни тугаллаш муддати — 2012 йил 1 октябрда.

Ишларни молиялаштириш давлат бюджетига маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. **Буюртмачи манзили:** Жиззах шаҳри, Наримонов кўчаси, 1-уй. Телефон: (8372) 226-40-61. **Диққат!** Бошланғич қиймати 500 млн. сўмгача бўлган қурилиш ва реконструкция қилиш объектлари бўйича танлов савдолари фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади. Турар ва нотурар биноларни капитал ва жорий таъмирлаш объектлари бўйича квоталар миқдори кичик бизнес субъектлари учун 100 фоизни ташкил қилади.

**Танлов савдосида иштирок этадиган ташкилотлар қўйидаги шартларга жавоб беришлари керак:** танлов савдоси предметининг 20% миқдоридида айланма маблағига ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдосида маҳаллий ва чет

эл қурилиш ташкилотлари иштирок этади, уларнинг танлов тақлифлари баҳоланаётганда, маҳаллий пудратчилар учун қўйидаги нарх преференциялари кўзда тутилган: оферентларнинг танлов тақлифларини баҳолаш вақтида конунчиликка мувофиқ қўшимча қиймат солигини тўлашдан озод этилган импорт ишларни бажарувчи ва хизмат кўрсатувчи чет эл оферентларининг тақлифларига қўшимча қиймат солиғи қўшиб ҳисобланади.

Танлов савдосида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан танлов савдоси ташкилотчиси — **Жиззах вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларнинг шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига** қўйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: **Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 63-уй, 425-хона. Тел/факс: 226-14-66.**

**Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 70 000 сўм.** Тақлифлар (оферталар) танлов савдоси ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади. Тақлифлар (оферталар)ни танлов савдоси ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги муддати — оферталар очилиш кўни ва соатигача. Танлов савдоси эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин қўйидаги манзилда ўтказилади: **Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 64-уй (вилоят ҳокимлиги биноси), кичик мажлислар зали.**

## Государственное унитарное предприятие «Toshkent Xalqaro Aeroporti»

**продлевает открытые тендерные торги на приобретение автопогрузчиков грузоподъемностью 3 тонны — 2 ед. и 5 тонны — 2 ед. для дальнейшей эксплуатации в а/п «Ташкент» в период с 24 мая до 5 июня 2012 г включительно.**

Позиция	Наименование и техническая характеристика оборудования и материалов	Количество в ед.
Лот 1	Автопогрузчик грузоподъемностью — 3 тонны	2
Лот 2	Автопогрузчик грузоподъемностью — 5 тонны	2

**КОНТРАКТНЫЕ УСЛОВИЯ:** Условия платежа: 30% предоплата в течение 20-25 дней со дня вступления контракта в силу; 70% в течение 15-20 дней по факту поставки товара. Валюта платежа: узбекский сум. Условия поставки товара: самовывоз со склада поставщика в Ташкенте. Срок поставки товара: по возможности сжатый, но не более 60 дней со дня проведения авансового 30% платежа.

В тендере могут принять участие как иностранные фирмы и организации, так и отечественные производители (поставщики), выполнившие предъявляемые условия для участия в нем, имеющие опыт поставки соответствующих объектов закупаемой на тендерной основе продукции. по-

бедитель тендера должен обеспечить сохранение стоимости контракта в течение 12 месяцев со дня объявления его победителем.

К участию в тендере не допускаются организации и фирмы, находящиеся в стадии реорганизации, ликвидации или банкротства, не представившие в уставовленный срок все необходимые документы, ненадлежаще исполнявшие принятые обязательства по ранее заключенным договорам, учрежденные менее 6 месяцев до объявления тендера, находящиеся в состоянии судебного или арбитражного разбирательства с заказчиками, не отвечающие требованиям тендерной комиссии по коммерческим и финансовым показателям.

**Заявки на тендер и тендерные предложения принимаются по адресу:**

Рабочий орган Тендерной комиссии. Куда: Узбекистан 100167, г.Ташкент, Аэропорт ГА, ул. С.Толипова. Кому: Тендерная комиссия, Председателю Тендерной комиссии а/п «Ташкент». Телефон: (99871) 140-28-88, Факс (99871) 140-28-00, E-mail: Omts.tas@uzairways.com. Дополнительную информацию для участника тендера можно получить по следующим контактам: Тел/факс: (99871) 255-46-59 моб, тел: (99897) 710-22-53. Инструкция участника тендера выдается только по поданной заявке в письменной форме. Претенденты, желающие принять участие в тендере могут получить тендерную документацию, которая предоставляется каждому претенденту на

платной основе. **Стоимость тендерной документации составляет 100 долларов США.**

Получение тендерной документации производится после предоставления копии платежного поручения на указанную сумму. Резиденты Республики Узбекистан оплачивают указанную сумму в национальной валюте по курсу Национального банка на день оплаты.

**Оплата за тендерную документацию не возвращается.** Расчетный счет в долларах США: 22696840400185981057. Расчетный счет в суммах РУз: 22696000800185981001. В ОАКБ «Asia Alliance Bank» г.Ташкент Республики Узбекистан, МФО (код банка) 01057, ИНН 200640719, ОКОНХ 51300, SWIFT: ASAC UZ 22. Срок приема заявок на участие в тендере осуществляется до 17.00 часов 1 июня 2012 года. Срок приема тендерных предложений осуществляется до 17.00 часов 5 июня 2012 года.

Спорт

Одил АХМЕДОВ:

# «ИМКОНИЯТ ТУФИЛСА, АНГЛИЯ ЁКИ ИСПАНИЯ ЖАМОАЛАРИДА ЎЙНАМОҚЧИМАН»



Эфёдулла НОРМУРДОВ ошган сурат.

«Анжи» (Махачқалъа) футбол клубида тўп сураётган ҳамюртимиз Одил Аҳмедов айни пайтда Ўзбекистон миллий терма жамоаси таркибида 2014 йили Бразилияда бўладиган жаҳон чемпионати саралаш босқичида Эрон футболчиларига қарши ўтказиладиган учрашувга ҳозирлик кўрмоқда. У Россия чемпионатидаги таътил муносабати билан хоризжда тўп сураётган футболчилардан биринчи бўлиб, юртимизга етиб келганди. Шу боис, моҳир футболчимиз имкониятдан унумли фойдаланган ҳолда ўзи туғилиб ўсган Наманган шаҳридаги Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари учун ташкил этилган хайрия акциясида иштирок этди. Сўнгра пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги сунъий қопламали майдонда «Пахтакор» жамоаси аъзолари билан биргаликда ёш футболчилар учун маҳорат дарслари ўтказди.

Яна бир ёдда қоладиган тadbир пойтахтимизда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Football Group» компанияси ҳамда championat.uz расмий сайти ижодкорлари ҳамкорлигида ўтказилди. Унда иштирок этган икtidорли футболчимиз болалар ўртасида республика ва халқаро миқёсда ўтказилган мусобақаларда муваффақиятли қатнашган бир

гурӯх икtidорли ёш футболчиларга махсус ҳомийлик соғваларини топширди. Сўнгра «Анжи» (Махачқалъа, Россия) ҳамда Ўзбекистон миллий терма жамоаси ярим ҳимоячиси Одил Аҳмедов билан матбуот анжумани бўлиб ўтди.

— Очиғи, бугуннинг болаларига ҳавасим келади, — дейди у. — Нафакат пойтахтимизда, балки вилоятларимизнинг чекка-чекка киши-

лоқларида ҳам улар ўзлари истаган спорт турлари билан шугулланишлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилган. Айниқса, Президентимиз томонидан болалар футболини ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган гам-ҳўрликларни сўз билан ифода қилиб бўлмайди. Бу эса аста-секин ўз самарасини бераётганлиги қувонарлидир.

да кучайтиришига ишонаман.

— Россия чемпионатида бир маромда яхши ўйин намойиш этишингиз осон бўлмагандир?

— Россия чемпионатида жисмоний жиҳатдан кучли футболчилар жуда кўп. Бошида қийналдим. Лекин кейинчалик машгулотларда кўпроқ тер тўкиб, кўниқш ҳосил қилдим. Бу чемпионатда ўзбекистонлик етакчи футболчилар ҳам бемалол ўйнаб кета олишига ишонаман. Бунинг учун биринчи навбатда одам ўзига ишонини ва бор кучи билан ишлаши зарур.

— Сизни «Анжи» клубида бошқа, терма жамоамизда бошқа чиқиқда ўйнатишади. Аслида қайси позицияда ўйнаш ўзингизга маъқул?

— Биласиз, ўз фаолиятимни ярим ҳимояда бошлаганман. Шу сабабли ушбу позицияда ўйнашни маъқул кўраман. Лекин баъзида мураббийларнинг хоҳишига кўра, бошқа чиқиқда ҳам ўйнаяман.

— Яна санокчи кунлардан сўнг, жаҳон чемпионати саралаш учрашувиде Эрон футболчиларига қарши ўйнаймиз. Аммо бу ўйинда бош жамоамиз таркибиде бир йўла беш нафар етакчи футболчи майдонга туша олмайди. Мазкур учрашувда футболчиларимизнинг имкониятини қандай баҳолайсиз?

— Аввало, шунини таъкидлашни истардимки, жаҳон чемпионатининг навбатдаги саралаш босқичида кучсиз рақибнинг ўзи қолмаган. Унда ҳар қандай жамоа қутилмаган натижа қайд этиши мумкин. Шунинг учун ҳар бир ўйинга алоҳида аҳамият қаратишимиз шарт. Тўғри, Эрон футболчиларига қарши учрашувда асосий таркибнинг ярми майдонга туша олмайди. Аммо бундан чўчиш керак эмас. Агар эсласангиз, Япония терма жамоасига қарши ўтган ўйинда бутун бошли таркиб майдонга тушмаганди. Аммо ўшанда японлар мағлуб бўлганди. Муҳими, бош мураббий Вадиам Абрамов кўл остида улар ўрнини боса оладиган бошқа муносиб номсодлар етарли. Ҳозир биз фақат галаба ҳақида ҳўйлаяпмиз.

Эркин ХОЛБОБОВ  
ёзиб олди.

Шу кунларда Дубай (Бирлашган Араб Амирликлари)да футбол бўйича XII Осиё чемпионати баҳслари қизгин давом этмоқда. Нуфузли мусобақанинг гуруҳ босқичи учрашувлари ўз ниҳоясига етди.

## НАВБАТ – ЧОРАК ФИНАЛГА



Чемпионатнинг «Д» гуруҳида тўп сурган Ўзбекистон терма жамоаси дастлабки турда қувайтликлар билан 1:1 ҳисобида дуранг ўйнаган бўлса, кейинги ўйинларда Хитой (2:1) ҳамда Индонезия (9:1) вакиллари мағлубиятга учратди. Яқунда Қувайт терма жамоаси билан бир хил — 7 тадан очко тўплаган ҳамюртларимиз тўплар нисбатига кўра, гуруҳда иккинчи ўрнини эгаллади.

Энди футболчиларимиз бугун чорак финалда эронликларга қарши майдонга чиқади.

Мазкур босқичнинг қолган жуфтликларида қуйидаги жамоалар ўзаро куч синашади: Таиланд — Ливан, Япония — Қирғизистон, Қувайт — Австралия.

(Ўз муҳбиримиз).

Тошкент вилояти Зангиота тумани Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати (БТИ) томонидан Бўзсув қ.ф.й Улуғбек кўчаси 4-уй, 21-хонадон эгалари Юлдашев Мадамин ва Сапаев Алишер номига берилган уй плани хужжати ва ТА №0846183 рақами эгалик гувоҳномаси йўқолганиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Кураш

## ХАЛҚАРО ТУРНИР ЯҚУНЛАНДИ

Бу йилги турнирда юртимиз кураш усталари билан бирга Ангола, Бразилия, Буюк Британия, Греция, Грузия, Жанубий Корея, Исроил, Конго, Марокаш, Польша, Туркия, Туркменистон, Украина, Хитой, Франция, Эрон, Қозоғистон, Ҳиндистон каби давлатлардан ўттиз нафардан зиёд полвон иштирок этди. Халқаро спорт байрамининг тантанали очилиш муросимида давлатимиз раҳбари Ислоҳ Каримов раҳнаомлигида аҳолининг кенг қатлами, хусусан, хотин-қизлар ва болалар ўртасида спортни омаллаштириш орқали соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, энг чекка қишлоқларда ҳам спорт, жумладан, болалар спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани, бу эзгу мақсад йўлида амалга оширилган салмоқли ишлар ўзининг юксак самараларини бераётгани алоҳида таъкидланди. Мусобақа кескин беллашувларга бой бўлди. Айниқса, франциялик Пин Адриан ва ёш ўзбек полвони Самижон Убайдуллаев ўртасидаги финал баҳси барчада катта таассурот қолдирди. Ушбу беллашувда сурхондарёлик С.Убайдуллаев голиб чиқди

(Давоми. Боши 1-бетда.)

ва Ўзбекистон Республикаси Президентини совринини кўлга киритди. Бухоролик Ширин Шарипов ва қашқадарёлик Илхом Жўраева учинчи ўрин насиб этди. — Ўзбек кураши оммавийлашиб, энг қизиқарли спорт турларидан бирига айланиб бормоқда, — дейди турнир голиби Самижон Убайдуллаев. — Кураш бўйича ўтказиладиган халқаро мусобақалар бир-биридан кучли ва янги полвонларни кашф этмоқда. Бугунги турнирда голиб чиқиш осон кечмади. Юртдошларимиз, муҳлислар, устозларимиз ишончини оқлаганимдан бахтиёрман. — Кураш жуда ҳалол спорт тури, — дейди иккинчи ўрин соҳиби, франциялик Пин Адриан. — Мен ўтган йили Парижда бўлиб ўтган халқаро кураш турнирида голиб чиққандим. Рақибим ёш бўлишига қарамай, анча ишончли ва тезкор ҳаракат қилди. Ниятим — ўзбек кураши бўйича тажрибамни янада ошириб, келгуси мусобақаларга пухта тайёргарлик кўриш ва голибликни кўлга киритиш. Халқаро спорт байрами тadbирларида Қашқадарё вилояти ҳокими Т.Жўраев қатнашди.

Феруз ХОЛМИРЗАЕВ,  
ЎЗА муҳбири.

Дзюдо

## АЖОЙИБ ҒАЛАБАЛАР

Звенигород (Россия)да дзюдо бўйича «Катта дубулғ» туркумига кирувчи йирик халқаро турнир бўлиб ўтди. Умумий мукофот жамғармаси 154000 АҚШ долларини ташкил этувчи мазкур нуфузли мусобақада дунёнинг ўттиз тўрт давлатидан 164 нафар дзюдочи голиблик учун кураш олиб борди. Унда тўлиқ таркиб билан иштирок этган Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари учта олтин, иккита кумуш ҳамда битта бронза медалини кўлга киритди.

Бунинг учун полвонларимиз Бельгия, Канада, Япония, Муғилистон, Россия каби мамлакатлар вакиллари елкасини ерга текизишди.

Айни пайтда Лондон олимпиадасига қизгин тайёргарлик кўраётган икtidорли дзюдочиларимиздан бири Мирзохид Фармонов (66 кг) эса бирин-кетин бельгиялик Кеннет Ван Гансбет, канадалик Саша Мехмедович, муғилистонлик Мираячча Санджаасурни мағлубиятга учратиб, финалга йўлланма олди. Олтин медаль учун кечган баҳсда Мирзохид Япония вакили Такаёи Мимофумига қарши гиламга чиқиб, мuddатидан олдин соф галабага эришди.

Мусобақанинг 73 кг вазн тоифасида бир йўла икки нафар дзюдочимиз медаллар учун кураш олиб борди. Жумладан, унда голиблик учун татамига тушган ҳамюртларимиз Наврўз Жўрақобилев ҳамда Мирали Шариповлар курашга кўра, халқаро турнир ярим финалида ўзаро рўбарў келишди. Унда омад жаҳон чемпионати совриндори Наврўз Жўрақобилевга қулиб боқди. Хал қилувчи беллашувда у япониялик Юки Нишимага очколар ҳисобида ют-

қазиб қўйди ва кумуш медаль билан қийолянди. Мирали Шарипов эса терма жамоамизга бронза медалини тўхфа этди.

Мусобақанинг 81 кг вазн тоифасидаги беллашувларида муносиб иштирок этган яна бир умидли полвонимиз Яхё Имомов ҳам шоҳсупанинг фахрли иккинчи погонасидан жой олди.

100 кг вазн тоифасидаги дзюдочилар баҳсларида ҳам икки нафар вакилимиз ўз маҳоратини намойиш этдилар. Гарчи, унда Ўтқир Қурбоновдан дастлабки беллашувдаёқ омад юз ўғирган бўлса-да, моҳир спортчимиз Рамзиддин Саидов шиддатли кечган учрашувларда ўзини кўрсатди. Жумладан, у россиялик Адлан Бисултанов, азербайжаник Элмар Гасимов, мисрлик Рамазан Дарвиш сингари номдор дзюдочиларини енгиб, финалга йўлланма олди. Хал қилувчи баҳсда Рамзиддин муғилистонлик Темулани Батулгани мuddатидан илгари доғда қолдириб, олтин медалга сазовор бўлди.

Халқаро турнирнинг мутлақ вазн тоифасидаги баҳслари ҳам барчанинг диққат марказида турди. Унда амалдаги жаҳон чемпиони Абдулла Тангри-



евга тенг келадигани топилмади. Қуръага кўра, Абдуллага бутун мусобақа давомида фақат россиялик дзюдочилар рақиб бўлишди.

Дастлаб Муҳаммад Нажмиддиновни мағлубиятга учратган вакилимиз ярим финалда Ренат Саидовдан устун келди. Хал қилувчи беллашувда Абдулла Тангриев Россиянинг энг номдор дзюдочиси Сослан Бостанова ҳеч қандай имконият қолдирмади ва олтин медаль билан тақдирланди.

Мусобақа якунида умумжамоа ҳисобида бразилиялик дзюдочилар биринчи ўринни эгаллаган бўлса, Ўзбекистон ҳамда Япония спортчилари фахрли иккинчи ва учинчи погоналарни банд этдилар.

Агар икки қарра жаҳон чемпиони, Пекин олимпиадаси совриндори Ришод Собиров (60 кг) қутилмаганда япониялик Такато Наохишига имкониятини бой бермаганда олтин медалларимиз яна биттага кўпайиши мумкин эди.

(Ўз муҳбиримиз).

MUASSIS: XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TANHIR HAY'ATI:

- Abdulla ORIPOV, Latif G'ULOMOV, Bobir ALIMOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Murodulla ABDULLAYEV
- Ulug'bek MUSTAFOYEV, Tat'yana KISTANOVA, (Bosh muharrir o'rinbosari), G'affer HOTAMOV, (Bosh muharrir o'rinbosari)
- Muslihidin MUHIDDINOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV

BO'ILIMLAR: Parliament faoliyati, Madoniyat va ma'naviyat, Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot, Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot, Sport va vatanparvarlik, Reklama va e'lonlar

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Temur XUDOYBERDIYEV, Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV